

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-6/1
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Хайитов А.Э., Асланова Х.Г. Саноат чиқиндилари билан ифлосланган тупрок таркибидаги оёқдумлиларни ўрганиш	102
Чориев О.И., Ашурев Ж.М. Фавипиравирнинг Zn ²⁺ ва триметоприм билан комплексларининг антимикроб фаоллиги	105
Шерқулова Ж.П., Азимова Н.Ш., Қахромонова О.Н. Картошка тутунакларида аниқланган Fusarium oxysporum Schltl. замбуругининг тоза культурасини ажратиб олиш	107
Эрхонова М.А. Қишлоқ хўжалиги экинларини биологик усулда химоялаш тизимида хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятлари	109
Юлдашева С.Ш., Хайдарова Х.Н. Taraxacum kok-Saghuz тури морфобиологик хусусиятлари	115
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ	
Aliev Sh.K. Measures of agro technical fighting in increasing tolerance of different cotton sorts to wilt disease	118
Isomiddinov M.N., Omonova N.M. Alternarioz nega xavfli?	120
Karimov E.Q., Ahmadov B.O., Ahrorov A.Q., Jamolova M. O'zbekistonda dehqon xo'jaliklari yer maydonlaridan samarali foydalanish tizimini rivojlantirish	122
Matyakubova Y.A., Raximov Sh.Sh., Yo'lidasheva Sh.X., Masharipova A.A. "Asr" kuzgi bug'doy navining hosildorligiga sug'orish rejimining ta'siri	124
Mirzaitova M.K. O'simliklarni himoya qilishda zararkunandalarni bashorat qilishning zamonaviy yondashuv	126
Ro'zmetov R.S., Urazbayev A.A., Atajanov T.S. Xorazm viloyati sharoitida olma qurti (Carpocapsa pomonella)ning rivojlanishini o'rganish	128
Satipov G., Ismayillova I. Kuzgi bug'doy navlarining hamda sholi o'simligini ekish muddatlarini hosildorlikka ta'siri va iqtisodiy samaradorlikni baholash	131
Xakimov B.A., Sodiqova D.G'. Surxondaro viloyati misolida yeryong'oq o'simligida kasallik qo'zg'atuvchi ayrim turlar bio ekologiyasini o'rganish	133
Yaxyayev X.Q., Abdullaeva X.Z. Organik paxta yetishtirish jarayonini ifodalovchi matematik modellar va ulardan foydalanish	136
Ziyayev Z.M., Xakimov A.E., Elmurodov A.B., Soliyeva D.V., Murtalibov M.A. Mosh o'simligi hosilini mexanizatsiyada yig'ish uchun samarali defoliantlarni tanlash va qo'llash me'yorlarini aniqlash	139
Ziyayev Z.M., Xakimov A.E., Elmurodov A.B., Soliyeva D.V., Pirnazarov Dj.R. Mexanizasiyada o'tishga moslashgan va takroriy muddatda yetishtiriladigan mosh nav namunalarining biometrik ko'rsatkichlari tahlili	141
Бобоев Ф., Раупова Н.Б. Изменение гумусного состояния почв под влиянием эрозионных процессов	143
Ёрматова Д., Ҳамроева М.К., Ғойипова М.А. Сурхондарё вилояти тупрок-иқлим шароитига мослашган, юкори ҳосилдор соя ўсимлигини етишириш, ургу навларини саралаб олиш ва ўз вақтида агротехник тадбирларни амалга ошириш	146
Зияев З., Файзуллаев А., Бобоев С., Зиядуллаев З., Элмуров А., Ҳакимов А. Ҳосилдор ва оқсил микдори юқори бўлган юмшоқ буғдойнинг янги тизмаларини танлаш	148
Исмаилов Т. К. Қорақалпоғистон Республикасида мелиоратив тизимларнинг мавжуд салоҳияти ва уларнинг техник ҳолати	151
Қаландаров И. Ирригация каналларидан йил давомида сувдан самарали фойдаланиш истиқболлари тўғрисида	154
Қаршибоев Ҳ.Ҳ. Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг дон сифатини баҳолаш натижалари	157
Қиличова Н.А., Рисқиева Х.Т. Сурхондарё вилояти айрим туманлари ариқ сувидаги оғир металлар микдори	160
Қўзиев Ж.М., Даулетмуратов М.М. Қишлоқ хўжалиги тизимини автоматлаштириш хусусида	162
Мамарасулова М.Т., Мамадалиев М.Х., Абдираҳмонов Р.А. Тишли планкали ғалтакмолага ўрнатиладиган планкалар сонини аниқлаш бўйича ўtkazilgan экспериментал тадқиқотларнинг натижалари	165
Матякубова Э.У., Халикова М.Б., Исабекова М.А., Шониёзова Ш. Ингичка толали коллекция намуналари ва уларнинг F ₂ ўсимликларида битта ўсимликдаги кўсаклар сони кўрсаткичлари	167
Махамматова М. Кузги юмшоқ буғдой навлари уруғининг тиним даври давомийлиги	170
Остонақулов Т.Э., Сайдова Г.А. Помидор уруғининг унувчалигини ошириш омиллари	172
Остонақулов Т.Э., Шабарова Н.Н., Исмойилов А.И. Қашқадарё худудида эртаги картошка навларини ўсимта ва ўсимтаси олинган туганаклардан ўстириш хусусиятлари	174
Расулов У.Ш. Ширин қалампирнинг (булғор қалампир) фузариоз касаллиги ва уларга қараш чоралари	176
Реимов Н.Б., Утепбергенова В.М. Орол бўйида маданий яйловзорларни ривожлантиришнинг ахамияти	179
Сатторова М.М. Бухоро вилояти сугориладиган қумли ва кумлоқ тупроқларни ўзлаштириш ва унумдорлигини ошириш	182
Султанов У.Т., Алланов X.К., Аширов Ю.Р. Маккажӯҳори яшил масса ҳосилининг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар	187
Туреев А.А. Экологическая оценка состояния почв экспериментальной зоны по фонам различных культур	190
Тўхтаев Ш.Х., Артикова М.И., Ганиева Ф.А., Одилов Ш.Э. Олтингугурт ва ўргимчаккана	193
Юсупов Н.Х., Бобоев С.К. Юмшоқ буғдойнинг F ₁ -F ₃ дурагай авлодларида 1000 дона дон вазнининг ирсийланиши, ўзгарувчалиги	196

ОЛТИНГУГУРТ ВА ЎРГИМЧАККАНА

*Ш.Х.Тўхтаев, қҳ.ф.н., доц., Бухоро Давлат Университети, Бухоро
М.И.Артикова, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро
Ф.А.Ганиева, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро
Ш.Э.Одилов, таалаба, Бухоро Давлат Университети, Бухоро*

Аннотация. Мазкур мақолада гўза ўсимлигида учрайдиган хавфли ўргимчакканага қарши қўлланиладиган маркибида олтингугурт сақлаган ООҚ (олтингугуртни оҳакли қайнатмаси) ва СФМ (сиртқи фаол модда) ҳақида маълумот берилган. Щу аниқланган-ки, мазкур препаратларни меъёрида гўзани Бухоро-б навида қўллагандо қўшимча бир гектардан 4,2-4,4 центнер ҳосил олинди.

Калим сўзлар: Гўза, ўргимчаккан, СФМ, ООҚ, олтингугурт, препарат, ҳосилдорлик, аллатропик, фунгицидлик, инсектицидлик, кукун, тугунак бактериялар, сиртқи фаол модда.

Аннотация. В данной статье представлена информация о серосодержащих ООQ (серно-известковый отвар) и SFM (ПАВ), применяемых против опасного паука, обнаруженного на хлопчатнике. Установлено, что при умеренном применении этих препаратов на хлопчатнике Бухара-б получено дополнительно 4,2-4,4 ц/га.

Ключевые слова: Хлопок, паук, УЛП, ООҚ, сера, препарат, урожайность, аллатропный, фунгицидный, инсектицидный, порошок, клубеньковые бактерии, ПАВ.

Abstract. This article provides information on sulfur-containing OOQ (sulfur-lime decoction) and SFM (surfactant) used against the dangerous spider found in the cotton plant. It was found that the use of these drugs in moderation in cotton Bukhara-6 yielded an additional 4.2-4.4 quintals per hectare.

Keywords: Cotton, spider, SFM, OOQ, sulfur, drug, yield, allotropic, fungicidal, insecticidal, powder, nodular bacteria, surfactant.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда асосий соҳалардан бирин бўлиб, мустақиллик йилларида бу соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Асосан ўсимликларни ҳимоя қилишда зарарсиз кимёвий препаратлардан фойдаланишининг асосий мезон ва меъёрлари жорий этилди. Ўсимликларнинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун олтингугуртга эҳтиёж туғилади. Олтингугурт озиқа сифатида азот, фосфор ва калий элементлари билан бир қаторда туради [1,2,3,4,5].

Кимёвий препаратларни узлуксиз қўллаш, ўргимчакканы заарқунандаси бу препаратларга нисбатан барқарорлигини кескин пасайишига ҳамда фойдали ҳашаротларнинг оммавий қирилишига олиб келмоқда. Шуларни ҳисобга олган холда бир йўла ўсимликларнинг олтингугуртга бўлган эҳтиёжини қондирувчи ва заарқунандаларга қарши курашда юқори самара берувчи, маҳаллий хом ашё ҳисобига селектив препаратларни ишлаб чиқариш ва амалиётга тадбиқ этиш шу куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади [6,7,8].

Ҳозирги замонавий шароитда ўсимликни олтингугурт билан озиқлантириш муаммоси долзарб муаммолардан бирин ҳисобланади, чунки тупроқдаги олтингугуртнинг каттагина қисми ўсимлик ҳосили билан чиқиб кетади, колгани тупроқ ювилганда ернинг пастки катламига тушади.

Ўсимлик меъёрида ўсиш ва ривожланиши учун олтингугуртга зарурият туғилади. Ўсимлик таркибидаги олтингугурт, метионин системи ва систин каби бирикмалар хилма-хил функцияларни бажариб, уларнинг ҳаётий фаолиятида муҳим аҳамият қасб этади [1,2].

Олтингугурт ўсимликларда кечадиган оқсил алмашиш жараёнида рўй берадиган оксидланиши ва тикланиши реакцияларида катта аҳамиятга эга. Унинг иштирокида атмосферадан азот тўпланади, тугунак бактериялар ҳосил бўлади.

Хар йили олтингугурт захираси ёмғир суви орқали маълум бир даражагача тупроқнинг тўлдириб туриши қишлоқ хўжалик экинларини бу элементга бўлган эҳтиёжи муаммосини бир оз бўлсада таъминлаб келади. Аммо тупроқдан олтингугуртнинг ювилиши ва ҳосил билан чиқиб кетиши натижасида ҳар йил унинг каттагина миқдори йўқотилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларида бу элемент бирикмалари етарли бўлмаганлиги туфайли, бундай экин экиладиган майдонлар олтингугурт захираларини тўлдиришга муҳтож. Олтингугурт куқуни ва олтингугуртни оҳакли қайнатмаси қишлоқ хўжалик экинларини ўргимчаккан ва касалликлардан самарали ҳимоя қилибигина қолмасдан, экинларни физиологик жараёнларини ҳам тезлаштиради экан [3,4,5,6].

Маълумки олтингугурт мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кўп ишлатиладиган ва кам заҳарли препаратлардан ҳисобланади. Олтингугурт ва унинг баъзи бирикмалари бир вақтнинг ўзида инсектицидлик, акарисидлик ва фунгисидлик хусусиятларини намоён қиласди. Дастлаб фақат олтингугурт сифатида ишлатилиб келинган.

Ҳозирги вақтда эса фунгицид ва акарицид сифатида кенг ишлатилмоқда. Бирор унинг бу хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Ҳозирги вақтда табиий олтингугурт рудаларини ёки оддий олтингугурт, завод ва фабрикалардаги чиқинди газлардан ажратиб олинмоқда. Бу газларда олтингугурт элементи буғ ҳолатида бўлади. Германияда оддий олтингугурт металургия заводлари газларидан, гипсни қайта ишлашдан чиқадиган газлардан ажратиб олинади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам катта миқдорда олтингугурт ишлаб чиқарилмоқда ва хорижий давлатларга экспорт килинмоқда.

Оддий олтингугурт. Табиатда олтингугурт асосан иккита аллотропик шаклда учрайди; ромбик, моноклиник ҳолатда ва катта микдорда бошқа кристал шаклларида ҳам мавжуд. ромбик шаклининг солиштирма оғирлиги 2, 07, 112,8 градусда буғланади. Одатдаги ҳароратда турғун, сувда эримайди. Спиртда қийин эрийди. моноклиник шаклдагиси сақлаш даврида ромбик шаклига айланади. Ромбик ва моноклиник шаклларидан ташқари яна кристал шакллари ҳам бор, улар ҳам бошқа кристалл шаклларга бўлинган. Моноклиник нотўғри олтингугурт, буғ ҳолатидаги ромбик олтингугуртни совутиш орқали олинади. 95,5°C паст ҳароратда у ромбик олтингугуртга айланади. Моноклиник олтингугурт 119°C да буғланади.

Солиштирма оғирлиги 1,96. Бу шакл 95,5°C дан юқори ҳароратга чидамли. Оддий олтингугурт табиий холда олтингугурт конларидан қазиб олинади ва табиий маҳсулот ҳисобланади. Табиий олтингугурт ер шарининг барча қисмларида учрайди. Вулқон магмалари таркибида ва вулқон қолдиклари ҳолида учрайди. МҲД да олтингугурт конлари Қоракум, Говурдак, Шўрсув, Крим, Поволже ва бошқа жойларда мавжуд. Энг катта олтингугурт захиралари АҚШнинг Техас ва Лууизана Штатларида, Италияning Сицилия оролларида мавжуд. Даст аввал олтингугурт препарати инсектицид сифатида Кристалл шаклидаги қуқунга нисбатан самарали эканлиги аниқланган.

Хозирги вақтда майдалаб, элақдан ўтказилган қуқунлари инсектицид ва фунгицид сифатида сотувга чиқарилган. Олимларнинг аниқлашича микроскопик замбуруғнинг конидияларига таъсир қилиши, унинг қанчалик майдаланганингига боғлиқ экан. Олтингугурт қуқуни қанчалик майдалангандан бўлса самараси шунчалик яхши бўлади ва ўсимлик барги устидан ёмғир сувлари ёки шамол таъсирида ювилиб кетиши қийинлашади. Агар олтингугурт қуқунлари катталари 27 катталиқда бўлса барглар устида ушланиб қолмайди ёки узоқ муддат сақланмайди. Майдаланганинг олтингугурт таркибида 35%гача диаметри 10 дан кичик заррачалар мавжуд, шунинг учун кристалл олтингугуртга нисбатан самараси юқоридир. Ўша олтингугурт шакллари сувда намланмайди, шунинг учун уларни пурклаш усулида кўллашда турли қўшимчалар қўшиш тавсия этилади.

Олтингугуртни оҳакли қайтнатмаси Сўндирилган ва майдалангандан олтингугуртни қайнатилган полисулфид калций ҳосил бўлади ва ушбу суюқлик олтингугуртни оҳакли қайтнатмаси деб аталади. Биринчи марта ООҚни 1833 йилда унгуборли куртни йўқотиш учун тавсия этилган; бунда 4.4 кг сўндирилмаган оҳак 0,27кг олтингугурт талқони, 0,11кг лампа ёғи ишлатилган. 1851 йилда отажерия боғбони биринчи марта оҳак ва олтингугуртни тенг микдорда сувда қайнатиб ишлатган. Ушбу суюқлик “Гризон”суюқлиги деб номланган. АҚШ нинг шарқий қисмида ушбу суюқлик 1900 йилдан бошлаб кенг ишлатилган.

Хозирги вақтда кўпгина давлатларда ООҚ сотувга чиқарилган бўлиб, уларнинг таркибида 8% дан 25% гача полисулфид ва 1% дан 4% гача тиосулфат сақлайди, полисулфид ва моносулфид нисбати 3:1 дан 4:1 ни ташкил қиласи, уларнинг кучи 20-25 Бе (Боме) бўлади. АҚШда энг сифатли ООҚ намунаси учун 30-32% полисулфид калций сақлаш керак. Бунда уларнинг солиштирма оғирлиги 1.283-1.925 (32-33 Бе) ни ташкил этади. Германияда 100 мл ООҚ да 15-18 гр полисулфид 18.5% дан кам бўлмаслиги ва солиштирма оғирлиги 1,300 ни ташкил қилиши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинни ООҚ ни тайёрлашда уларнинг таркибига қўшилган қўшимчалар, қайнатиш давомийлиги ва сақлаш муддатлари мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар юқорида айтилган меъёrlарга риоя қилинса сифатли ООҚ ни тайёрлаш мумкин [7, 8].

Юқоридагиларни хисобга олиб ғўза ўсимлигига зарар етказадиган заараркунандалардан энг хавфли заараркунандалардан ўргимчакканана, ҳисобланади. Ғўза экиласидиган майдонларда “оддий ўргимчакканана” тури кенг тарқалган бўлиб, бу заараркунанда ҳосилнинг 30-40%ни нобуд қиласи.

Ф.М. Успенский маълумотлари бўйича ўргимчакканана ғўзага июнда тушса 50-60% июнда 35-40% ва августда 2-6% ҳосилни нобуд қиласи [9, 10, 11].

1-жадвал

Ўргимчакканага қарши сиртқи фаол модданинг таъсирі

№	Вариантлар	Препарат концентрацияси	Ўртacha 100та бардаги ўргимчаккан сони				Кунларга қараб биологик самараорлик				
			Ишловдан кейинги қунлар				5	10	15	20	
			Ишловгача	5	10	15					
1	Сиртқи фаол модда (СФМ)	1%	290	125	92	56	27	37.3	59.8	71.3	78.5
2	Сиртқи фаол модда	1.5%	281	119	114	41	22	39.9	48.4	76.6	82.6
3	Сиртқи фаол модда	2%	596	127	166	67	28	68.8	65.2	83.2	89.1
4	ООҚ таққословчи	1%	267	95	120	156	-	46.6	43.2	13.1	-
5	Назорат сув билан	-	318	212	255	214	138	-	-	-	-

Кейинги йилларда бу кўрсаткичлар ўртacha 10-12% ташкил қиласи, энг хавфли заараркунандаларни тез кўпайиб бораётганлиги ҳамда зарари ҳаддан ташқари ортиб бораётганлиги сабабли унга қарши кураш чораларини излаш лозим. Шуларнинг хисобга олиб ғўзада тажрибалар ўтказиши учун бирта вариантда тўрт тақрорий холда ўтказилди, булар куйидаги вариантлардан иборат: 1.СФМ сиртқи фаол модда (1;1.5% ва 2%), 2. ООҚ олтингугуртни оҳакли қайнатмаси (1% по боме) (таққословчи вариант) 3 назорат сув билан пуркалганда ҳар гектарга 600 литр сарфланади. Тажрибада олинган ҳар бир ўсимликнинг паст ўргимчакканага қарши сиртқи фаол модданинг таъсирини излашади.

баргларидаги ўргимчакканана ва бошқа зааркунандалар ҳисобга олинади. Тажриба 2021-йил 19-иуолда ғўзанинг ёппасига муғжалаш даврида ўтказилди. Препаратнинг таъсир кучини қанча кун давом этишини ўрганиш учун ўргимчаккананинг ҳар 5 кунда ҳисоб олиб борилади. Дала шароитида ўргимчакканана препаратларидан сиртқи фаол модданинг ўргача таъсирини 1 чи жадвал кўрсатишича 2%ли концентрат суюқлиги энг юқори самара беради, қолган варианtlарда нисбатан айниқса сепилганда 20 кундан кейин 89.1% самарадорлиги кузатилди, олтингугуртли сиртқи фаол модданинг ўргимчакканага қарши энг юқори биологик самарадорлиги 2% лиси ташкил этади, худди шундай 1%лиси пуркалганда 15 кундан кейин 71.3%ни ва 1.5% ни пуркалгандан кейин эса 76.6% ни биологик самарадорлик ташкил этади.

Таккословчи ва назорат вариант натижалари 1-жадвалга келтирилган. Бухоро вилояти Жондор туманига қарапши Хумин маҳалла фуқаролар йигинидаги “Жондор Олимжон замини фермер хўжалиги (2021 йил).

2-жадвал.

Бухоро вилояти Жондор туманига қарапши Хумин маҳалла фуқаролар йигинидаги “Жондор Олимжон замини” фермер хўжалиги (2021 йил)

№	Вариантлар	Ишчи суюқли к нормаси	1та чаноқнинг ўғирлиги	1та ўсимликдаги чаноқнинг сони	Ўсимлик сони	Пахта ҳосилдорлиги	Сарф қилинган препаратлар нормаси	Кўши мча
1	Олтингугурт (СФМ) 1%	400	4.3	7.0	98.9	29.7	4	1.8
2	Олтингугурт (СФМ) 1.5%	400	4.4	7.2	100.2	31.0	6	3.1
3	Олтингугурт (СФМ) 2%	400	4.8	6.7	99.7	32.3	9	4.4
4	Таккословчи ООҚ (1% боме)	400	4.8	6.8	98.9	32.1	1	4.2
5	Назорат(сув билан)	400	4.0	6.9	101.0	27.9	-	-

Ғўза ҳосилдорлигига олтингугуртли сиртқи фаол модданинг Жондор тумани Хумин маҳалла фуқаролар йигинида “Жондори Олимжон замини” фермер хўжалигида шу нарса маълум бўлдики тажриба варианtlарда ҳосилдорликни фарқи 29.7-32.3 ц.га ва қўшимча ҳосилдорлик 1.8-4.4 ц.га эга бўлди. Демак, замонавий кимёвий перепаратдан олтингугуртли сиртқи фаол моддаси ўргимчакканага қарши курашишда самарали препарат ҳисобланниб, уни трактор билан 2% ли қилиб сепганда, 400л/га ишчи суюқлиги концентрацияси билан захарланишнинг таъсир кучи 25-кунгача боради, оҳакнинг олтингугуртли қайнатмасидан эса(ООҚ) сифатлироқдир, шунинг учун ишлаб чиқаришга 2%ли олтингугуртли сиртқи фаол модданинг (СФМ) суспензиясини 400л/га ишчи суюқлиги билан пуркашнинг тавсия қиласиз ва бу препарат зарарсиз ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таркибида олтингугурт сақлаган ООҚ ва СФМ ни тайёрлашда уларнинг таркибида қўшиладиган қўшимчалар қайнаш давомийлиги ва саклаш муддатлари мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Агарда юқорида айтилган мөърларга риоя қилинса сифатли ООҚ ва СФМ тайёрлаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Б.Муҳаммадиев, Ш.Тўхтаев “Олтингугурт ва унинг пестицидлар хусусиятлари” Агро илм 4-сон 2021 йил 53-54 бетлар..
2. А.Ш.Хамроев ва бошқалар “Олтин гугурт ва ҳосил”(фермерларнинг ён дафтарчаси) 3-7 бет.
3. Ganieva Feruza. Sh.To'xtayev // "Kotoran 80% SP Against Turnip Moths." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 6.6 (2021).
4. Ganieva Feruza. Sh.To'xtayev // "Influence Of Cotton Cultivation Techniques In Bukhara Region On Reduction Of Damage To Plants By Turnip Moth." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 6.6 (2021).
5. А.Ш.Хамроев ва бошқалар. Олтингугуртли перепаратларни қишлоқ хўжалик экинларда ва касаликларга қарши кўллашга оид тавсиялар Тошкент 2007 41-бет.
6. Ф.М Успенский –Какой должна быть система интегрированной защиты ростений. Москва журнал “Хлопокодство” 1975, № 2 стр 25-30.
7. Ш.Х.Тўхтаев, А.Ш.Хамроев, О.Содиков “Способ стабилизации суспензи сери”
8. Ш.Х.Тўхтаев Ғўза ўргимчакканасига қарши таркибида С.Ф.М. сақловчи олтингугуртнинг янги кўллаш шаклланинг самарадорлиги.
9. Ш.Х.Тўхтаев. Ғўза ўргимчак канасига қарши таркибидаги СФМ сақловчи олтингугуртнинг кўлланилишида самарадорлиги. Агарар факултети иқтидорли талбалар ва профессор -ўқитувчиларнинг илмий мақоллар тўплами. Бухоро 2002.
10. Ш.Х.Тўхтаев Р.Юнусов “Бухоро вилоятида етишириладиган ғўза ўсимликлари ўргимчакканага қараша оладиган перепаратларнинг самарадорлиги. Бухоро Университети илмий ахборотлари 3-4 Бухоро 2002.
11. Ш.Х.Тўхтаев ва бошқалар “Бухоро вилояти шароитида ток ўсимликларида ун шудринингтга қарши янги кураш усули. “Фан ютуқлари ва қишлоқ хўжалиги ривожлантириш истиқболлари” илмий амалий анжуман материаллари. Самарқанд 2006 йил 72-73 бетлар.
12. S.S.Hoijiyev, Yenileev N.Sh., Nafetdinov Sh.Sh., To'rayeva N.N., Nematova G.U., Influence of Types of Roots and Schemes of Placing Peach on Yield and Chemical Composition of Fruit. Received 16 February 2021; Accepted 08 March 2021 Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 3, 2021, Pages.3199 – 3207.